

**“Ёшларда касбий мотивларни
шакллантиришнинг молиявий-иқтисодий ва
педагогик-психологик масалалари”**
мавзусидаги вазирлик миқёсида ўтказиладиган
илмий-амалий конференцияси материаллари
тўплами

Тошкент 2018

	қабул қилинган қонун ҳужжатларининг аҳамияти	403
200.	Қ.Рахмонов, Б.Успанқулов. Ер участкаси, бино ва иншоотларни давлат рўйхатига олишни такомиллаштиришда касбий мотивлар	404
201.	Ш.Аллаяров, Х.Махмудова. Ёшларни иш билан таъминлашнинг долзарб масалалари	407
202.	Ш.Аллаёров, Ш.Г.Халилова. Ёшларнинг тадбиркорлигини ривожлантиришда касбий тайёргарликнинг аҳамияти	408
203.	Ш.Аллаяров, Ш.Бобобекова. Иқтисодий тараққиётни таъминлашда минтакалар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг ўрни	410
204.	Н.А.Ақрамова. Ўзбекистон республикасида олий таълимнинг кадрлар тайёрловидаги ўрни	412
205.	Ҳ.Т.Омонов, Ш.Бобобекова. Иқтисодиётда кадрларнинг ижтимоий функциялари ва уларнинг тутган ўрни	414
206.	Ҳ.Т.Омонов, С.Эрназаров. Кадрлар тайёрлаш жараёни ва ижтимоий тараққиёт	416
207.	Ҳ.Т.Омонов, Ш.Юлдашев, К.Кенжаев. Кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш – давр талаби	417
208.	М.Ғ.Кенжаев, Ҳ.Маматқаримова. Касбий билимларни шакллантириш истиқболлари	420
209.	М.Ғ.Кенжаев, М.Вотиров. Ta'lim tizimida boshqaruv samaradorligini oshirish yo'llari	422
210.	М.Ғ.Кенжаев, Ж.Донаев. Иқтисодиётда инвестицион фаолият ва салоҳиятни ривожлантириш истиқболлари	424
211.	М.Ғ.Кенжаев, К.М.Кенжаев. Иқтисодиётда инвестиция дастурлари ва уларнинг аҳамияти	426
212.	М.Ғ.Кенжаев, С.Ш.Умарова. Халқаро аудиторлик компанияларининг миллий аудиторлик ташкилотлари фаолиятига таъсири: ижобий ва салбий оқибатлар . . .	427
213.	М.Ғ.Кенжаев, А.Хасанова. Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти	430
214.	М.Ғ.Кенжаев, Ш.Жавлиева, А.Назарова. Ташқи аудиторлик фаолиятини ривожлантириш истиқболлари	431
215.	М.Ғ.Кенжаев, А.Лазизов. Пластик карточкалар бозори ва уни ривожланиш истиқболлари	433
216.	Н.С.Эрназаров, С.Н.Эрназаров. Иқтисодиёт ривожланишида инвестицияларнинг аҳамияти	435
217.	М.Ғ.Кенжаев, Ш.Исломова. Тижорат банклар ликвидлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари	436
218.	М.Ғ.Кенжаев, Н.Ергашева. Banklar barqarorligini ta'minlashda lizing operatsiyalarining ahamiyati	438
219.	М.Ғ.Кенжаев, М.А.Абдиева. Аудиторлик текширувлари ўтказилишини такомиллаштириш	440
220.	Ж.М.Ғиёсов. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштиришда давлат активларини аҳамияти	442
221.	М.Н.Ирисбекова, Б.Р.Юсупов. Транспорт ишлаб-чиқариш бошқарувида инновацион логистик тамойилларни жорий этиш	444
222.	С.Ҳасанов, Н.Атаева. Иқтисодчи мутахассисларни касбий омилкорлигини шакллантириш мотиви	446
223.	М.Т.Тулабоев, О.Р.Салимов. Основа модернизации и совершенствования образования в узбекистане в современных условиях	447
224.	М.Т.Тўлабоев. Педагогика фанининг замонавий тармоқлари	449
225.	S.Bayjanov, S.Utegenova. O'zbekiston yoshlari – eng baxitli yoshlar	453
226.	А.Абдуалимов, Б.Юлдашев. Тижорат банкларида харажатларни таҳлили ва	

фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз.¹²⁰

Ушбу муҳим стратегик вазифаларни ўз зиммасига олувчи фармонлар натижасида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун яна бир қанча фармон, фармойишлар қабул қилиндики, ушбу ислохотлар мамлакат ёшлари мақсад қилиб қўйган истакларини, ўзларининг тадбиркорлик ғояларини, бизнес-лойиҳаларини амалга оширишларига туртки бўлди ҳамда улар учун барча шароитлар яратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «“Ёшлар — келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида»ги фармони ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни бу соҳага фаол жалб қилиш учун ва бандликни таъминлашда янги истиқболларни очишдек бир қатор устувор мақсадларни амалга ошириш учун қабул қилинди.

“Ёшлар — келажагимиз” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан мамлакат бўйлаб штаб ва ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди.

Ёшлар иттифоқи маълумотларига кўра, ишчи гуруҳ ходимлари ёшларнинг қизиқишлари, орзу-истаклари, режалари, мавжуд муаммо ва камчиликларини чуқур ўрганиб, таҳлил этмоқда. Улар уйма-уй юриб, барча ёшлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги ёшларга кўмаклашиш, кредитлар ажратилишида амалий ёрдам бериш каби муҳим вазифаларни амалга оширмоқда.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ёшларни ҳар томонлама етук мутахассис-кадрлар этиб тайёрлаш, айниқса, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда ёш тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича мамлакатимизда етарли даражада ҳуқуқий база яратилган.

ЕР УЧАСТКАСИ, БИНО ВА ИНШОТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА КАСБИЙ МОТИВЛАР

Қ.Рахмонов, Б.Успанкулов – ТИҚХММИ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бозор муносабатларининг ривожланиши ер муносабатларини тубдан қайта қуриш билан бир қаторда ушбу ер участкалари билан мустақам боғлиқ бўлган кўчмас мулклар, яъни бино ва иншоотлар ҳамда улар билан бўладиган турли ҳаракатларни тартибга солишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда бино ва иншоотлар жойлашган ер участкалари турли ҳуқуқлар асосида, жумладан эгалик қилиш, доимий ва вақтинчалик фойдаланиш, ижара ва мулк ҳуқуқлари асосида юридик ҳамда жисмоний шахсларга берилган. Бундан ташқари, юқоридаги ҳуқуқлар асосида берилаётган ер участкаларининг сони йилдан-йилга ошиб кетмоқда.

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766)

Ўз навбатида ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш бўйича бажариладиган ишлар ҳажмини ортиб кетишига олиб келмоқда. Ҳозиргача бундай рўйхатга олиш ишлари оддий услубларда бажарилмоқда. Натижада ишни бажаришга кўп вақт ва меҳнат сарфланмоқда. Бундан ташқари анъанавий рўйхатга олиш натижалари бўйича бино ва иншоотлар тўғрисидаги тезкор тарзда, зарур ҳолларда маълумот олиш имкони бўлмапти. Буларнинг барчаси бино-иншоот объектлари учун кадастр ҳужжатларини юритишни такомиллаштириш заруриятини туғдирмоқда.

Аҳоли ижтимоий турмушининг асоси ҳисобланган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиб бориш, миқдорий ва сифат ҳисобини юритиш ҳамда қиймат жихатидан баҳолаш, шунингдек, ушбу маълумотларни ягона тизимда, белгиланган тартибда аниқ ва яхлит ҳужжатларда ёритиб бориш, мамлакатда бугунда шаклланаётган кўчмас мулклар бозорини ушбу ахборотлар билан таъминлаб туриш муҳим амалий аҳамиятга молик бўлган масалалардан ҳисобланади. Шу жумладан, бино ва иншоотларни давлат рўйхатига олиб бориш билан бирга ер участкалари ҳам давлат рўйхатидан ўтказилади. Бунинг натижасида ердан фойдаланишдаги муаммолар ҳам ўз ечимини топади. Бундай муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам давлат кадастрларининг ягона тизими таркибида бино ва иншоотлар давлат кадастри юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги 278-сонли қарорига биноан қабул қилинган “Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида Низом”да эътироф этиладики, “Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бинолар ва иншоотлардан самарали фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни, мулк эгаларининг ва бу объектлардан бошқа фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини, шунингдек, бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун юритилади.”

Юқоридагилардан кўринадики, бино ва иншоотларни рўйхатга олиш уларни мулкӣ ва ашёвий ҳуқуқларига қараб кўп сонли ҳужжатларни расмийлаштиришни ҳамда улар тўғрисидаги ҳуқуқӣ, техник ва иқтисодӣ маълумотларни турлитуман рўйхатга олиш реестрларида қайд қилиш ва улар учун йиғма кадастр жилдларини шакллантиришни ўз ичига олади. Расмийлаштирилган кадастр йиғма жилди объект тўғрисида миқдорӣ ва сифат кўрсаткичларини ўз ичига олади буларни кенг кўламда аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, объект тўғрисидаги чизмаларни яъни асосӣ план, қаватлар аро плани, объектнинг жойлашган ўрни, эгаллаган ер майдони, ҳуқуқӣ мақоми ва бошқалар киради. Бундай кўрсаткичларни давлат рўйхатидан ўтказиш бино ва иншоотлар давлат кадастрининг вазифасига киради.

Бино ва иншоотларни давлат рўйхатига олиш “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати” томонидан амалга оширилади. Бунинг учун рўйхатга олувчи орган, аввало, қуйидагиларни аниқлаши талаб этилади:

1) Бино ва иншоотларни ва бошқа буюмларга тегишли ҳуқуқларнинг қонун даражасида расмийлаштирилганлиги;

2) Бино-иншоотларга ва бошқа буюмларга тегишли ҳуқуқлар ва уларга тегишли ҳуқуқий ҳолатларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг мавжудлигини аниқлаш;

3) Фойдаланилмай турган, хўжасиз ётган, ёки эгасиз ашё (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 191-модда), давлатга мерос ҳуқуқи билан утаётган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1157-модда ёки мусодара қилинган бино ва иншоотлар (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 204-модда) ҳақида Маҳаллий ҳокимияти органларига уларни қонун талаблари асосида давлат фондига ўтганлиги ҳақида хабарнома билан мурожаат қилиш .

4) Ўзбошимчалик билан барпо этилган бино ва иншоотлар ҳақида Маҳаллий ҳокимият органларига ёки ҳуқуқлари бузилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 212-модда кўрсатилган тарзда чора қуриш учун хабарномалар билан мурожаат қилиш.

Кўчмас мулкни Давлат рўйхатига ўтказишдан олдин рўйхатга олиш органи: юридик ва жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш; бино ва иншоотларга хусусий мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб этиш ва уларни кадастр ҳамда инвентаризация ишига қушиб қуйиш; бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқини вужудга келиши ёки бошқа шахсга ўтганлигига тааллуқли ҳужжатларни ишончлилигини, қонуний эканлигини тўғри расмийлаштирилганини текшириш, мулк эгаларининг сонини ва уларнинг мулкка улушларини аниқлаши керак.

Бино ва иншоотларга тегишли бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи тақдим этилган билвосита ҳужжатларнинг ишончлилигини текшириш мақсадида рўйхатга олиш органи ходими объект жойлашган манзилда объектга тегишли манфаатдор шахслар ҳамда чегарадош хўжаликлар иштирокида текширув ишлари олиб боради. Текширув ишлари якунида аниқланган натижалар асосида ёзма хулоса ва қуйидаги шаклда бино-иншоотни текшириш далолатномаси тузилади. Тўпланган барча ҳужжатлар билан рўйхатга олиш органининг хулосаси маҳаллий ҳокимият органига 7 кун муддат ичида қуриб чиқиш учун тақдим этилади. Бино, иншоот ёки бошқа мулк ҳуқуқини тасдиқловчи билвосита ҳужжатлар асосида рўйхатга олишда ноаниқликлар, низолар ёки саволлар келиб чиқса, рўйхатга олиш масаласи суд қарорига асосан ҳал этилади.

Рўйхатга олиш учун асосий ёки билвосита ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, шунингдек, ҳужжатнинг ҳақиқий эканлигига гумон тугилса ёки бино ва иншоот ёки буюм ҳуқуқи бўйича тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилиги бўйича саволлар келиб чиқса, ҳужалик ёки маъмурий суд органи иштирокида ҳал этилади. Ҳуқуқий ҳужжатларни оила аъзолари ёки меросхўр томонидан тақдим этилган ҳолларда, номаълум сабабларга кўра қатнаша олмаган ёки вафот этганлиги суд томонидан тан олинганда бино ва иншоотлар ким томонидан банд қилинганлигига қарамай бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқлари оила аъзолари ёки меросхўр томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида уларга расмийлаштирилади. Бундан кўриниб турибдики бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритишда объект тўғрисида нафақат миқдор ва сифат

кўрсаткичларини давлат рўйхатидан ўтказиш, балки объектга бўлган ҳуқларни тартибга солишни ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Ш.Аллаяров – ТМИ доценти
Х.Махмудова – ТМИ магистранти**

Ишсизлик ҳар қандай жамиятнинг энг долзарб ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, жамият аъзоларининг фаровон ҳаёт кечириши уларни барқарор даромад манбаларига эга бўлишига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев ёшларни иш билан таъминлаш муаммолари ҳақида гапирар эканлар, жумладан, шундай дедилар: “касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномаларни амалга ошириш борасида кўплаб қўшиб ёзиш ҳолатлари мавжуд”¹²¹.

Республикамизда ёшларни иш билан таъминлаш масаласининг долзарблиги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ёшларни ишга жойлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш заруриятини юзага келтирди. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 10 минг нафар таълим муассасалари битирувчисига ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кредит маблағлари ажратиш, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида керакли талабдан ортиқ ҳажмда тайёрланаётган гуманитар таълим йўналишларини қисқартиришни ва мос равишда аграр сектор, қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси мутахассислари тайёрлашни кенгайтиришни кўзда тутувчи ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим мутахассислик йўналишларини қайта кўриб чиқиш чоралари белгилаб қўйилган¹²².

Таъкидлаш жоизки, ишсизлик даражасининг ошиши инфляция даражасининг ўсишига, макроиқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашишига олиб келади¹²³. Бу эса, аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг турмуш фаровонлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг замонавий босқичида ёшларни иш билан таъминлаш борасидаги долзарб масалаларидан бири – бу олий таълим муассасаларини битирувчиларини самарали марказлашган тизимининг ривожланмаганлигидир. Муаммонинг моҳияти шундаки, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни назорат қилиш мазкур муассасаларнинг профессор-ўқитувчилари зиммасига юкланган. Ҳолбуки, профессор-ўқитувчиларда битирувчиларни ишга

¹²¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил. қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 34-бет.

¹²² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №6. – 116-бет.

¹²³ Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики. 4-е изд. Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2009. – 544с.; Бланшар О. Макроэкономика. Пер. с англ. – М.: ВШЭ, 2010. – 671 с.